



# ТОШКЕНТ



ШАХАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСЫ  
ГАЗЕТАСИ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 22 (9.366) 2000 йил 21 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

### ЭРКИНЛАШТИРИШ — ОЛГА ИНТИЛИШИМИЗ КАФОЛАТИ

Истиқлолнинг тўққизинчи йилдирки, Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан изчил ва шахдам оидмалаб бормоқда. Машаққат ва курашларга тўла бу йўлда халқимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқлар, айтиши мумкин, кўнчилиги лол қолдирмоқда, тараққиётимиз душманларини ич-ичидан қўйдириб-ёндирмоқда. Эришилган натижалардан хотиржамликка берилиш, бошланган буюк ишларни чала қолдиришга халқимиз ҳеч қачон одатланмаган. Балки, бу ютуқлар янада улуғвор, залворли вазифаларни тезроқ урдалашга ундайди. Халқимизнинг ана шу ажойиб фазилати муҳтарам Президентимизнинг Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида айтган қўйилган фикрларида яққол намоён бўлаган:

“Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пайдоолини шакллантиришдан иборат. Бу — ҳудуд қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан қўр-қўрона нуска қўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифати эришиш”.



Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши



МАМЛАКАТИНИНГ бош шаҳри бўлган улуғвор Тошкентимиз меҳнаткашлари ҳам Истиқлол ғояларига садоқатлари, ватанпарварликлари, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни чуқурлаштириш йўлидаги соҳибқадамликлари билан журмат ва эътибор қозониб келмоқдалар. Айниқса, иқтисодий барқарорлиқни мустақкамлаш, халқ турмуш даражасини ошириш ҳамда бунёдкорлик ишларида сезиларли ютуқларга эришилган. Чунки, ўтган йилги шаҳарда 165,7 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 103,4 фоизни ташкил этди. Қурилишда ҳам олдинги йилга нисбатан 2,3 фоиз ўсишга эришилди, 120,5 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

502 минг квадрат метр уй-жойлар, 1144 ўқувчиға мўлжалланган мактаблар, 480 ўринли болалар, кўнға 230 беморни қабул қиладиган поликлиникалар фойдаланишга топширилди. Ўтган йилги пойтахтимиз қўрғама кўрқ қўлган 4 юлдузли “Шератон — Тошкент” меҳмонхонаси, Хотира майдони, Юнусовод ва Қўйилган замонавий кўпқўр мажмуалари, бошқа йирик иншоотлар бунёд этилди. Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишга туширилган “Кобул — текстил компания” қўшма корхонаси 2,5 минг ишларни иш таъминлади. Тошкент самолётсозлик бирилмасида Швейцария ва Германия билан бирига ташкил этилган “Хобос-Техно” қўшма корхонасида замонавий технологиялар асосида қувурлар ишлаб чиқариш бошланди.

Айни пайтда ижтимоий соҳаларда катта ишлар амалга оширилди. Шаҳарда 54,4 километр узунлида сув, 71,5 километр канализация, 60,2 километр газ, 10 километр иссиқлик тармоқлари ўтказилди. 16 мингдан кўпроқ ўқувчиға мўлжалланган 14 та касб-хўнар коллежи ва 15 та академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг ўзига 21 та ана шундай янги тилдаги ўқув юрти тўдан таъмирланиб, ишга туширилди. 1999 йил майдонига ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан ҳам таъминланган 36 минг оилага 283 миллион сўмлик манзилли ёрдам кўрсатилди, 66 минг кўп болалик оилаға қарийб 1,5 миллиард сўмлик нафақа тўланди.

Ўтган шаба кўни бўлиб ўтган Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилишида республика пойтахти ахли эришган ютуқлар ва бошқа муваффақиятларға муносиб баҳо берган ҳолда уларни танқидий таҳлил этишға алоҳида эътибор берилди. Унда Тошкент шаҳардан сайланган Олий Мажлис ва шаҳар Кенгаши депутатлари, республика вазирилари ва идораларининг раҳбарлари, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, бош бошқари, бошқари, трест ва бирилмас раҳбарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман молия ва солиқ инспекцияси ҳамда йирик ҳиссасдорлик бирилмаслари ва қўшма корхоналар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилиш иштирокчилари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юқуларни ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги маърузаси видеосуръини томоша қилдилар. Сўнг Тошкент шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 1999 йил юқуларни ва иқтисодий ислохотларнинг бо-

риши тўғрисида шаҳар ҳокими **Козим Тўлаганов** маъруза қилди. Маърузачи ва йиғилишда сўзға чиққан Республика Марказий банки Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси Б. Миробоев, “8-темир-бетон заводи” очик турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Қ. Алимов, Яккасарой тумани ҳокими А. Мирқосимов ва бошқалар асосий эътиборни Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг республика Олий Мажлиси иккинчи қақирқ биринчи сессиясида ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг ўтган йил юқуларига бағишланган мажлисида қилган маърузаларида олға сурилган вазифаларнинг сўзсиз бақарилишиға қаратдилар.

Талабчанлик билан қилинган таҳлилларда шаҳарда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоизға ёки 9,7 миллиард сўмға камайиб кетганлиги, зарар қўриб ишлаётган корхоналар сонни камайтаётгани таъкидланди. Жумладан, “Кока-Кола” ичимлиги Тошкент “ЛТД” қўшма корхонаси 9,1 миллиард сўмлик, “Тошкент тўқимачилик компанияси”, “Полиабза” ишлаб чиқариш бирилмаси” ҳиссасдорлик жамиятларининг ҳар бири 2 миллиард сўмликдан маҳсулотни кам ишлаб чиқарган. Шаҳардаги 109 корхона эса 5 миллиард сўмдан кўпроқ зарар қўрган. Улар орасида самолётсозлик ишлаб чиқариш бирилмаси ва ТТЗ зарар билан йилни якунлашган. Мирзо Улугбек туманидаги 25 та корхона ҳажми 1,8 миллиард сўмликдан кўпроқ зарар қўрган.

Саноат корхоналари ҳали ҳам ҳаридори йўқ маҳсулотларни ишлаб чиқаришни давом эттирмоқдалар. 2000 йилнинг 1 январига ҳа ҳали оғирлашган 16,1 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот қолдиғи тўғрисида қолгани бунга яққол кўрсатиб турибди. Биргина “Ўзтўқимхолдинг” корхонаси оғирлашган 652 миллион сўмлик қишлоқ ҳўжалик машиналари ва ахтиёт қисмлари чанг ботиб ётибди. Шундай аҳолиға қарамай, корхоналар раҳбарлари шериклар ва истеъмолчилар билан шартномалар тузишға юзаси қараб келмоқдалар. Жумладан, ўтган йилнинг 15 декабрида текширилган 339 корхонадан 141 таси маҳсулот етказиб бериш учун, 175 таси моддий техника таъминоти учун шартномалар тузмаган. Бектемир, Яккасарой тумани корхоналарининг атиги 13 фоизи, Юнусовод туманида эса 21 фоизига шартнома қўраб эға. Истеъмол моллари етказиб бериш бўйича тузилган шартномалар эса бор-йўғи 15,2 фоиздан иборат.

Ҳўжалик судида қўрилган ишлар босқинсиз маълум тузиш ва уларни бақариш борасида ханузғача қўлаб ҳато ва камчиликларға йўқ қўйилганлигини кўрсатди. Чунки, ўтган йилги пойтахт ҳўжалик судида шартномавий интизомнинг бузилиши билан боғлиқ 3522 та иш қўриб чиқилган.

Мамлакатимиз Президентини импорт ўринни босадиган ва экспортға чиқариладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан қўпайтириш зарурлигини ўқтириб келадилар, дея таъкидлади маърузачи, — лексин шаҳарда экспорт ҳажми олдинги йилға нисбатан 59 фоизға ортганиға қарамай, экспорт бирилми импорт ўртасидаги мувозанатға ҳали эришилмиш мушкуллиғиға қолмоқда. Зеро, ўтган йил 412,5 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотни экспорт қилган бўлсак, импорт ҳажми 1,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Экспорт бўйича топшириққа эға бўлган 99 корхонадан фақат 22 тасигиға чётта маҳсулот чиқариш бўйича шартнома тузиб, уларнинг кам баъзилари топшириқни тўла бақара олган бўлган бунға сабаб бўлди. Экспорт салоҳияти юксак бўла туриб, чётта маҳсулот чиқаришни

тўхтатиб қўйган ёки кескин камайитириб юборган “Кимёқиллоқмаш”, “Ўзбекпахтамаш”, “Ўзбекмебель”, “Сергелимебель”, “Супертекстил”, “Малика”, “Алгоритм”, “Тошқимачи”, “Асбобсоз” каби корхоналар раҳбарлари қачонғача шу йўсида ишни давом эттиришди?

Шаҳар экспорти ҳажмида енгил ва маҳаллий саноат корхоналари маҳсулотлари ҳануз жуда кам миқдорда қилиб келаяпти. Бунда экспорт ҳажмини 17 миллион долларға камайитириб юборган Ҳамза тумани ҳамда 13 миллион долларға камайитириган Мирзо Улугбек туманида аҳоли ачинарилди.

Республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришға алоҳида эътибор берилётган, 2-3 йил ичида бундай корхоналар сонини икки баробарға қўпайтириш, уларнинг мамлакат яли ички маҳсулоти ҳажмидаги ўлушини 25 фоизға етказиш вазифаси қатъий қўйилётган бир пайтда, Тошкентда ҳозир 30,5 минг кичик ва ўрта корхоналар рўйқатта олганининг етарли деб бўладими? Айни пайтда тижорат банклари бор-йўғи олдиға лойиҳа бўйича 71 миллион сўмлик кредит очилган. Бизнес-фонд, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аниқ, вазифалар, бўлимиға қарамай, йил давомида атиги 12 та лойиҳани қўриб чиқишға тақдим этишган. Бу борада банкларнинг фаолияти ҳам қоникорлиқ эмас.

Маърузачи йиғилишда қатнашаётган раҳбарларға мурожаат қилиб, уларнинг ҳар бирини ҳеч бўлмаса — битта тадбиркорлик тузилмасини ташкил этишға қачирди.

Уй-ҳўй коммунал ҳўжалиғида кўп йиллардан бери тўланиб келётган муаммоларини ҳал этишға катта эътибор берилаяпти. Бу соҳада аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бюджетдан 33 миллион сўмлик дотация ажратилган. Пойтахтининг санитария ҳолатини яхшилаш йўлида катта тадбирлар амалға оширилляпти. Шунға қарамай, коммунал соҳада аҳоли мураккаблтиға қолляпти. Айниқса, аҳолининг коммунал хизматлар учун муддатий ўтган дебитор қарзи 517 миллион сўмдан ошиб кетгани таъшишли ҳолдир.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт режаларини ҳал этишда бюджетта тушумларни қўпайтиришнинг аҳамияти катта. Ўтган йилги шаҳар бўйича даромадлар режаси 108 фоиз бақарилган бўлса ҳам, маъжуд имкониятлар тўла ишға солинмапти. Жумладан, фақат қўшмача қиймат солиғи бўйича топширқ бақарилганлиғи тўғрисида бюджетта 937 миллион сўмлик даромад тушмай қолган. 2000 йилнинг 1 январига қорхона ва ташкилотларнинг бюджетта қарзи 12 миллиард сўмни ташкил этган.

Ер солиғи бўйича қаралар ҳам шу йилнинг 15 февралига — 690 миллион сўмдан иборат бўлган. Фаоллар йиғилишида ушбу камчиликларни тезда бартараф этиш ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг мажлисида Президентимиз томонидан қўрилган долзарб вазифаларни бақаришға қаратилган тадбирларни белгилаш ва уларнинг изчил амалға оширилишиға эришил ҳақида гап борди. Маърузачи бу борада шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқбол давлати ишлаб чиқилаётгани ҳамда унинг асосий йўналиши ҳақида батафсил тўхталди.

Биринчидан, чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш ҳолда замонавий технологияларни жадал олиб кириш керак. Бектемир туманида Япониянинг “Сумитома корпорейшн” компанияси билан ҳамкорликда қуруқликдаги порт ва саноат шаҳарчаси ташкил этилиши бу йўлдаги йирик ишлардан бўлади. Тошкент трактор заводи, “Тошқиллоқмаш” заводларидан Кейс

тракторлари ва Кейс пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган қувватлар ишға туширилади ва ҳоказо.

Иккинчидан, йўртбошимиз кўрсатмалари асосида шаҳарсозлик бўйича Тошкентнинг 2010 йилға мўлжалланган бош режаси ишлаб чиқилди. Шаҳарнинг 50-60 йилға мўлжалланган бош режасини ишлаб чиқиш ҳам олдинда турган муҳим вазифалардан-дир. Шаҳарда бунёдкорлик ишлари бу йил ҳам кенг қўламада олиб борилади. Мустақиллигининг 9 йиллиғиға Юнусоводда Шаҳидлар хотирасига бағишланган мемориал ёдгорлик барпо этилади. Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида яна 16 та касб-хўнар коллежи ва академик лицейлар ташкил этилади. Тошкент Давлат консерваторияси, Миллий кутубхона, Миллий тасвирий галереяларнинг қурилиши маданий ҳаётимизда муҳим воқеалар бўлади.

Чилонзорда “Олимпиада” мажмуасининг биринчи навбати қурилишиға тайёргарлик давом этади. Эски шаҳарни ободонлаштириш ишлари қўлами йил сайин ортиб боради. Маъмурий бинолар, банклар, меҳмонхоналар, замонавий, маҳаббатли кўпқўрлик ва бошқа бунёдкорлик ишлари авж олдирилади.

Қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида биронта қурилишға қўридан пудратчи тайинламаслик, уларни фақат тендер орқали белгилашишға эришилди. Лойиҳа ташкилотлари ўрта-сида ҳам тендер ўтказилиши йўлга қўйилиши таъминланади. Қурилиш учун қаттал маблағларни шакллантиришда қорхона ва ташкилотлар, айниқса банклар ва неҳоят аҳоли иштирокини фаоллаштириш кўрилади.

Кичик ва ҳусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришда туман ҳокимликлари, банклар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг маъсулиятини оширишға эътибор қаратилди. Бизнес инкубаторлар фаолиятини қўпайтириш вазифаси қўйилди. Текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг ҳўжалик фаолиятиға байроққоний аралашувиға қонунчиликнинг қасддан бузилиши деб қаралиш ўқтирилди.

Шаҳар йўловчи транспорти муаммоларини тезроқ ҳал этиш, хизмат кўрсатиш қорхоналарини сонини ҳам, аҳолиға пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмини ҳам шу йилнинг ўзига икки баробарға қўпайтириш мақсади қўйилди. Аҳолининг бандлик муаммоларини ҳал этишда маҳаллалар иштирокини фаоллаштириш, солиқни сақлаш, маданий соҳаларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди.

Туман ҳокимлари, қорхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига нисбатан талабчанлик кескин ошшини эслатиб ўтилди. Ўзларига бўлган ишончини раҳбарлар фақат амалий иш билан, ҳар бир туман, қорхона ва ташкилотдаги аҳолини тўдан ўзғартириш билан оқлашлари мумкинлиги қайд этилди.

Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари **Б. С. Ҳамидов** сўзға чиқди.

Фаоллар йиғилишида муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида.

Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истаيمان: эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш — бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир.

Ислам КАРИМОВ

### ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАМБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГҲА ХАБАРАЛАР

#### МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармони билан Рашидхон Кодиров Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармониға биноан Усмон Худойкулов берган аризасига қўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори вазифасидан озод қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида ўтказилган сиёсий соҳада ислохотларни ҳаётта тадбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш масалаларига бағишланган “давра суҳбати” ниятсиз эғди.
- Республика хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси иккинчи қақирқ биринчи сессиясида сўзланган нутқида уртаға қўйилган вазифалар асосида оналик ва болалиқни ҳимоялашни янада қўпайтириш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.
- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасига АҚШнинг республикаимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Жозеф Пресел ўз мамлакатни ҳукуматининг 15 минг долларлик грантини топширди.
- Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўлаб-қувватлаш “Нуроний” жағғармаси Марказий Кенгашининг йиғилиши бўлди.
- Қоразм вилоятининг “Янгириқ пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ҳар бир пахта толаси бойлиғидаги “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остиға эндиликда “Европа арқаси” сифати ва тадбиркорлик обрўси учун муқофотининг логотипи илова қилинади. Қорхона халқаро бизнеснинг энг нуфузли муқофотларидан бирини қўла қиритгани тўғрисида бу шарафға мунассар бўлди.
- Тошкент Давлат университетига “Ўзбекистон Миллий университети” мақоми берилиши муносабати билан бу ерда бир қатор муҳим таълимий жараёнлар амалға оширилди бошланди. Университет ҳудудида очиладиган “Жадидчилик” халқаро маркази ана шу англиклардан бири бўлади.

#### ЖАҲОНДА

- Бугун, Россия Президентини вазифасини бақарувчи Владимир Путин ўзининг иқтисодий дастурини эълон қилди. У Марказий сайлов комиссиясидан Россия Президентини лавозимига номзодлик гувоҳномасини олганидан сўнг журналистларға шуни маълум қилди.
- Кенга Қирғизистонда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Ушбу сайловнинг аниқ натижалари бугун эълон қилинади.
- Санкт-Петербурғнинг собиқ ҳокими Анатолий Собчак Калининградда юрак хасталиғидан оламдан ўтди.
- Би-Би-Си хабарларига қараганда, кўни кенча Душанба шаҳри ҳокими Махмуд Абдуллоев машинасининг портлаши оқибатида мамлакат ҳавфсизлик вазири ўринбосари Шамсулло Жобиров ҳалок бўлган. М. Абдуллоев эса енгил яралган. Айни пайтда Тожикистон ички ишлар ва ҳавфсизлик вазирилари бўлиналари пойтахтда жамоат тартибни сақлаш чораларини қўпайтирмоқда.
- Ертаға Москваға Буюк Британия ташқи ишлар вазири, Ҳамдулстик масалалари бўйича давлат котиби Робин Кук келди. У Россия Президентини лавозимини бақарувчи Владимир Путин билан ўчрашди.
- Бугун Ўрон парламенти сайловларига овоз бериш натижалари эълон қилинади.
- Россия ҳукуматининг собиқ раҳбари, “Газпром” компанияси директорлар кенгаши раиси Виктор Черномырдин Нью-Йоркда Россияда бўлиб ўтадиган Президент сайловига В. Путин қўлиб қиқди, деб журналистларға интервью берган.
- Исроил ЙорҲайдер партияси аъзоларининг Австрия ҳукумати тарқибига қиритилганидан норози эканлигини билдирди. Ҳукумат номидан қаратилган баёнотда айтилишича, Исроил бундай ҳолатдан жиддий ҳавотирға тушмоқда.
- Ертаға Нидерландияда “Сув — XXI аср учун” мавзусида ўтаётган иккинчи умумжаҳон форуми ўз ишини тугалляйди.

### ҚУРАШ ҲАЯЖОНГА БОЙ БЕЛЛАШУВЛАР



Ўтган шаба ва яқинда қўлали пойтахтимиздаги муҳтасам “Юнусовод” спорт-соғалаштириш мажмуида бўлиб ўтган юно-рум қураш бўйича Сийё Олимпиадасига саралаш мусобақаларининг очилиш дамири айниқса ғўла ва ҳаяжонга кечди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, “Ўзбекистон Мустақиллиги” Кубоги саралаш турнирини ўтказиш ташкили қўмитасининг раиси Ҳамидулло Кароматов Ўзбекистонда олимпиади ҳаракатини ривожлантириш борасида қилинган ишлар, спортимизнинг жаҳон миқёсидаги эътирофи ҳусусида тўхталди, турнир иштирокчилари ва меҳмонларни муқобабод этиб, қурашчиларға омад тиллади.

Сўнг қилмадаги бахслар қизиб кетди.

Ўзбекистон Мустақиллиги Кубоги саралаш турнирининг йиллиқ маросимида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров қатнашди.

Дулод ИСРОИЛОВ. СУРАТДА: “Мустақиллик Кубоги” мусобақаларидан лавҳа.

Сергей Любич олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт фаоллари йиғилишининг мажлиси қатнашган сессияларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бақаришнинг амалий чора-тадбирларини ҳақида гап борди.

Маълумки, Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида йўртбошимиз иқтисодий ислох қилишнинг ус-

### УСТУВОР ВАЗИФАЛАР АНИҚЛАНДИ, НАВБАТ — УЛАРИ БАҚАРИШГА

тувор йўналишлари ҳақида гапирар экан, уларнинг ҳар бири йўналиши бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш, ушбу вазифаларни амалға оширишнинг таъсирчан омилларини яратиш зарурлигини таъкидлади. Шу муносабат билан Президентимиз вилоятлар ва шаҳарларда илмий-амалий конференциялар, семинар-кенгашлар ўтказиш ташкил қилган эдилар. Маъжур соҳиларда шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, назоратчи ташкилотлар раҳбарлари, ҳиссасдорлик жамиятлари, ки-

чик ва ўрта бизнес қорхоналари вакиллари, Тошкент шаҳардан сайланган Олий Мажлис депутатлари қатнашдилар. Семинар ишини республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари **Б. С. Ҳамидов** олиб борди. Семинарда сўзға чиққан тадбиркорлар, жумладан, ҳиссасдорлик тақдим этиш тизимини соддалаштириш, банк тизимлари томонидан лойиҳаларини қараб чиқиш муддатларини тезлаштириш ҳақида, нотариал идораларда ҳужжатларни расмийлаштиришдаги мушкулликлар, хом ашё, техника ва технологияларни харид қилиш учун кредитлар олиш муаммолари ҳақида гапирдилар. Шаҳар товар ишлаб-чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси ўринбосари **Ш. Шойнуров**, “Байрам-хазини” ва “Осиё-сервис” ҳусусий фирмалари раҳбарлари **В. Котельников** ва **О. Раҳмонов**, “Лоҳисам” маъсулиятли чекланган жамияти раиси **Ш. Исмоилов**, “Автотрак” илмий-ишлаб чиқариш маркази директори **Х. Ёқубов**лар ҳўжалик фаоли-

яти йўналиши бўйича раҳбарлар аттестациясини ўтказиш, ўз патентларини асосида тижорат билан шуғулланувчи қорхоналар учун қўлай шaroитлар яратиш, кичик ва ўрта бизнес муаммоларини ҳал этиш бориси бўйича мажмуий ишчи гуруҳини шакллантириш ташкил қилди.

Давлат солиқ қўмитасининг раиси **Б. Ҳўжаев**, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари **М. Нормуродов** семинар иштирокчилари тақлифларини қўриб чиқиб, улар бўйича аниқ чора-тадбирлар қўришға ваъда бердилар.

Республикаимизда бодибилдинг кейинги пайтларда кенг қўлаб ёймоқда. Тананинг барча мускулларини муносиб ривожлантирувчи ушбу спорт тури бўйича қўлаб қизқарли мусобақалар ўтказилмоқда.

Бугун Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида Ўзбекистон бешарининг “Қамолот” жағғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика бодибилдинг федерацияси

Спорт “ЖАНОБ ЎЗБЕКИСТОН — 2000” СОВРИНИ УЧУН ташкилотчилиғида Соғлом авлод йилға бағишланган бодибилдинг бўйича “Жаноб Ўзбекистон — 2000”

## Юракдаги гаплар

ЭРКИНЛАШТИРИШ —  
БОШ ВАЗИФА

Шахримизда пойтахтимиз иқтисодиётининг ривожига муносиб улуш қўшаётган, эркаклар билан бир сафда тadbirkorлик бўлидан бораётган хотин-қизларимиз кўпчилиги ташкил этади. Ана шу боис ҳам Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидаги фикрлар тadbirkor аёлларни ҳам руҳлантириб, уларга ишонч ва қўлқўват бахш этади.

● **Фарида ШОКИРОВА, "Фарадис" хусусий фирмаси раҳбари:**

Президентимизнинг сўзларини диққат билан тинглар эканман, бундан бир неча йил аввалги тadbirkorликка қўл уриш олдидоги ҳаяжонларим ёдимда тушди. Ҳақиқатан ҳам тadbirkorларга имконият, қўлай шарт-шароит, бироз далда, қўллаб-қувватлаш жудаям зарур. Мени ҳам фаолиятим давомида Мирзо Улуғбек тумани тadbirkorлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасидаги қўллаб-қувватлаш, зарур ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам беришди. Чиндан ана шундай қўллаб-қувватлашлар кишини излашига, ўзи учун имкон яратишга ундайди. Мен ўйлаётганим, ўрта, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга берилаётган бундай катта эътибор эртанги кунимизга, иқтисодиётимиз ривожига, эл-юртимиз фаровонлигига улкан ҳисса бўлиб қўшилиди.

● **Муҳаддам ҲАМИДОВА, кўп болали она:**

Тўғриси, мамлакатимиз келажагини ўйлаган, эртадан ҳақиқатан ҳам бир инсон Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузаларини телевизор орқали кўриб, матбуот саҳифаларида ўқиб ҳаяжонланганим рост. Мен ҳам фарзандларим камолтини йўлаган она сифатида Ўртабосимизнинг кўйиб-ёниб гапироларидан фойда тўқинладим. Фарзандларимнинг барчаси ўз йўлини топиб олган, юртимиз ривожига ўз улушини қўшмоқда. Уч ўғлим ва бир қизим тadbirkorлик билан шуғулланилади. Шу боис ҳам тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, уларга эркинлик бериш ҳақидаги гаплар мени ҳам қувонтирди. Президентимиз, имконият берилик, яхши ниятли одамларга шарт-шароитлар яратилик, уларнинг йўлига тўғаноқ бўлмайлик, деярлик. Шундай гаплардан кейин тadbirkorлар, агар у ҳақиқатан ҳам билимли, меҳнатсевар, ташаббускор бўлса, ўзининг ҳақиқий йўлини топиб кетади.

## Қўмиталарда

ЭЛ-ЮРТ СОҒЛИҒИ  
ЙЎЛИДА

● **Дилдора АБДУЛЛАБЕКОВА, "Ўзимёфарм" хиссдорлик жамияти хотин-қизлар кўмитаси раисаси:**

— 2000 — Соғлом авлод йили кўтулг воқеалар билан бошланди. Биз ўзимиз ишонган, саодатли кўнларга етакловчи ҳақиқий инсонни мамлакатимиз Президентини эътибор билан қўлайди. Айниқса, Президентимизнинг аёлларга кечис журмат-этиборлари барча хотин-қизлар қатори корхонамизда меҳнат қилаётган 400 нафардан зиёд аёлларимизнинг қалбларида фаришадар хисларини уйғотди.

Аёлларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини юксалтиришга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўтган йилда аёллар ҳар бир соҳада бу ўзининг ёрқин ифодасини топди. Жамоамизда ҳам ўтган 1999 йилда аёлларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш, оиладаги мавқеаларини кўтариш мақсадида 19 банддан иборат тadbirkorлар дастури муваффақият билан амалга оширилди.

Энг муҳими, Аёллар йили — аёллар манфаатини таъминлаш йили бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон ёқлиги, энергетика, геология ва қимб саноати ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси томонидан тавсия қилинган кўрсатмалари асосида тузилган ва меҳнат жамоасининг умумий конференциясида қабул қилинган 1999 — 2000 йилларга тузилган жамоа шартномасида ишчи аёлларнинг меҳнат шартлари ва турмуш тарзини яхшилаш масалалари бўйича алоҳида бўлим киритилган. Умуман жамоа шартномасининг барча бандлари оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, оила аъзоларининг соғлигини муҳофаза қилиш ва таълим даражасини оширишга, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Корхонамизда кўп йиллардан бундан ўзининг баракли меҳнатлари билан эл-юрт соғлигини мустаҳкамлашда муҳим ҳисса қўшаётган ишчи аёлларимиз жуда кўпчилиги ташкил этади. Шу боис ҳам 8 Март, Наврўз, Мустақиллик, Ҳайит байрамларида уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантиришга, кўп болали оилаларга, фарзанди биринчи марта мактаб оstonасига қадам қўётган оналарга қўмитаси раисаси томонидан ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, меҳнат таътили, дам олиш кўнарида турли оромгоҳларда, санаторий ва профилакторийларда соғлиқларини

тиклашлари, юртимизнинг тарихий жойларини зиёрат қилишлари учун барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Миробод туман "Маънавият ва маърифат" маркази билан ҳамкорликда "Маънавият ва аёл", "Диний экстремизм ва ҳозирги замон", "Қадрлар тайёрлашдаги Миллий дастур ҳақида" сингари мавзуларда тadbirkorлар уюштирдик. Пойтахтимиз театрлари ва концерт залларидаги томошалар эса хотин-қизларимизга бир олам завқ бахш этди. Буларнинг барчаси аёлларимиз қалбига яхши кайфият, маънавий озиқа, самарали меҳнат қилиш иштиёқини солаётганлиги ишларимиз натижасида аён бўлмоқда.

Инсонлар ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя этувчи меҳр-шафқат рами саналмиш республикамиздаги йирик кимё-фармацевтика корхонаси ҳисобланган жамиятимиз ахли, айниқса хотин-қизларимиз Соғлом авлод йилида зиммамизга янада улкан масъулият юклаганини яхши англаган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Касаба уюшма кўмитаси, хотин-қизлар кенгаши эса уларга барча шарт-шароитларни яратиш борасида ўз дастурларини белгилаб олмоқдалар. Жамоа шартномасидаги барча пунктларни сақлаган ҳолда янги тadbirkorлар режасини тузиб чиқдик.

Ана шунга асосан 14 ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг меҳнат таътили ҳақ тўланадиган 1 кун қўшимча таътил бериш, меҳнат қилаётган аёллар бекот бўлганда корхонада ишлаб чиқарилаётган доридорлар билан бепул таъминлаш, 12 ёшгача бола билан аёллар иш ҳақи сақланган ҳолда 1 соат қисқартирилган иш кўни жорий этиш, "Ўзбекистон" дам олиш масканига бепул йўлланмалар ажратиш, кўп болали, ёлғиз, касб касаллиги билан касалланган аёлларга дам олиш ўйлаб, фарзандлари учун эса болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар бериш, фарзанди бўлган аёлларга корхонадаги энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридан ортиқ ёрдам кўрсатиш ва бошқа қатор тadbirkorлар кўзда тутилган.

Асосий мақсадимиз эса юртимиз аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлиги йўлида меҳнат қилиш, соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказишда муносиб улуш қўшилиши. Зеро, соғлом ота-онадан келажагининг баркамол авлодлари дунёга келишини унутмаслигимиз лозим.

**Ақмал Икромов тумани Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси раисаси бўлиб ўтган йилда ўз иш фаолиятини оилаларнинг маънавий баркамоллиги, ахлоқ ва тарбия, таълим ва саломатлик, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишлари учун қўнунчилик, ҳуқуқий тарбия масалаларига алоҳида эътибор берган ҳолда олиб борди. Оила-ларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоясига катта эътибор қаратилди. Туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Азиза НОСИРОВА бу ҳақда қўйидагиларни сўзлаб берди:**

— Биз учун кадрдон бўлиб қолган 1999 йил дилбар ва лобар, меҳнат билан эл-юрт равнақиға муносиб улуш қўшган аёлларимизни шарафлаш, улуғлаш, оғирини енгил қилиш йили бўлди десак асло муболаға бўлмайди. Айниқса, Аёллар йилида амалга оширилган чора-дастурлар Давлат дастурининг тузиллиши зиммамизга юксак масъулият юклади ва унда белгиланган вазифаларни рўйбга чиқаришда озми-кўпми ўз ҳиссамизни қўйишга муваффақ бўлдик.

Хотин-қизлар ўртасида маънавий ишларни яхшилаш, уларни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлаш бўйича Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, шаҳар ва туман ҳокимлари қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида дастурлар режаси тайёрланди ва унда кўзда тутилган чора-тadbirkorларни амалга оширишда котибият ўз фаолиятини ҳокимликнинг барча бўлимлари, маҳаллалар, жамғармалар ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борди.

Ўтказилган барча тadbirkorларда аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маънавият, таълим-

тарбия, соғлом эътиқодни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги ўз самарасини берди. "Аёл ва ҳуқуқ", "Аёл ва қонун", "Ҳуқуқий таълим ва тарбияни яхшилаш, талабалар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг устувор масалалари", "Жамият, оила, ҳуқуқ" мавзуларида семинарлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда суд, прокуратура, адлия, ички ишлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва

ташқил этилган "Бутунжаҳон қизлар уюшмаси"нинг машғулотида қизларнинг ҳар томонлама баркамол инсон, билимли ва тadbirkor бўлишларига эътибор берилмоқда. Ҳозирда уюшмага 400 нафар иқтидорли қиз жалб этилган.

Хотин-қизлар ва ёшларни соғломлаштириш, оилани режалаштириш мақсадида қатор амалий ишларни олиб бораёмиз. Туман "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тadbirkorлар-

га катта эътибор қаратганимиз, албатта, хотин-қизларимизни беҳад қувонтирмоқда. Шунинг билан айтиш мумкин, туманимиздаги маҳаллалардан 5 тасида аёллар маҳалла фуқаролар йиғини раиси, 13 тасида эса котибаси сифатида муваффақият билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш мақсадида туман маънавият ва маърифат кенгаши билан ҳамкорликда маҳаллаларда "Аёл — оила ва жамият таянчи", "Хазрати аёл", "Мустақил диёрим таянчлари — меҳрибон аёллар", "Жаннат қалити — оналар оёғи остида" каби мавзуларда тadbirkorларнинг барчасида муҳтарам аёл улуғланди, унинг оиладаги, болалар тарбиясидаги роли билан бирга Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаалар, маърака ва маросим-

ларни ўтказиш ҳақидаги Фармонида алоҳида аҳамият берилди. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, тумандаги "Бешкайрағоч", Фафур Фулом, "Шарқ юлдузи", Хурийд, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ҳабиб Абдуллаев, "Янгиобод", Аббор Ҳидоят, Абдулхай Тожиев, "Пахтакор", Ал-Хоразмий маҳаллаларида Президент Фармони билан амалга оширилган катта аҳамият қаратилди. Тўй ва маросимларимиз илҳам ва замонавий, исрофгарчиликсиз ўтказилишига эришилмоқда.

Президентимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилган. Соғлом авлоднинг тарбияси эса биринчи галда аёлларнинг зиммасидаги шарафли вазифадир. Шу боис ҳам хотин-қизлар кўмитаси йил бошиданок ўз режаларини ишлаб чиқиб, ана шу асосда фаолият кўрсатмоқда. Ўйлашимиз, ҳар бир йилдагидек ушбу йилда ҳам аёлларимиз ўз олдларидоги шарафли вазифани ҳалол адо этиб, эл-юрт равнақиға, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланишига, Ўзбекистонимиз келажагининг соғлом бўлишига муносиб улуш қўшади.

Танловлар  
"ГЎЗАЛАР  
ҚИРОЛИЧАСИ"

Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман "Қамолот" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамкорлигида 173-мактабнинг 8 нафар 1-синф жажжи қизалоқлари ўртасида Соғлом авлод йилига бағишлаб "Гўзалар қироличаси" кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танлов шартларига кўра бу қизалоқлар ўзларининг соғлиқларини, гўзаллик ва пазандаликларини, билими ва одоб-ахлоқини, зукколигини намойиш этдилар. Уларнинг ҳар бир чиқишлари йиғилганларга бир олам завқ бахш этди.

Танлов шартларига кўра энг малохотли, энг зукко, энг назокатли қатнашчилар ҳайрат аъзолари томонидан аниқланди. Барчанинг эътиборини қозongan 1-синф ўқувчиси Зилола Абдуллаева кўрик-танлов фойдасида кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова иштирок этди ва қизалоқларни самимий табриклади. Кўрик-танлов натижасида барча қатнашчиларга ҳомиёларнинг совғалари топширилди.

## Аёл борки, олам мунаввар



Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

## "ПАРИЗОД"НИНГ ПАРИЛАРИ



Момоларимиз азал-азалдан чевар бўлишган. Улар қўлига иена ушлаб, нима тикшимасин, албатта меҳрали чокнинг қат-қатига синиб кетган, кўрган кўзини қуянтиб,



кййган одамни яшнатган. Шу боис бўлса керак, аёлларимиз уларнинг изидан боришмоқда, чеварлиқни меҳр-муҳаббат билан ардоқлашмоқда.

"Паризод" масъулияти чекланган жамиятида турли либослар тикиб, янги-янги нусхалардаги кийим-кечалари билан харидорлар эътиборини қозонаётган 100 нафардан ортиқ хотин-қиз чеварлиқ моомоларимизнинг ҳақиқий издошлари десак асло муболаға бўлмайди. Уларнинг меҳнатлари аёвазига яратилаётган 50-60 турдаги замонавий кийим-кечаларга буюртмалар сони ортиб бормоқда.

Айни вақтда ўтган йилни 1 миллион 900 минг сўм фойда билан қўнлаган чеварлар жамоаси, янги йилнинг янги буюртмалари асосида қайрат билан ишламоқда. Корхонанинг бичиш, тикиш ҳамда таърибга чекларидан шартномаларга буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажаришга эришилмоқда.

— Корхонамизни оёққа тургазиш, уни бозор талабларига жавоб берадиган даражада ишлатиш, сифатга алоҳида эътибор беришда ҳар бир ишчи-хизматчининг ҳиссаси бор, — дейди жамоа раҳбари Дилбор Ҳужаева. — Кийимчиликларни, муаммоларни ҳамжihatлиқда бартараф этишимиз ишимиз баракасини таъминлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Жамоамизда асосан аёллар меҳнат қилгани боис ҳам аввало уларнинг оиласи, фарзандларини биринчи ўринда турлишун жуда яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам аёлларимизнинг кайфиятини, муаммоларини биринчи

ўринга қўямиз, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб борамиз.

Жамиятда 2000 йилнинг январь ойида 10.000 донна маҳсулот тайёрлаш учун буюртма қабул қилинган. Шулардан 3 мингташи шифокорлар учун халатлардир. Албатта, Соғлом авлод йилини ана шундай соғлиқ посбонлари учун меҳнат қилишдан бошлаш жамоа аҳлини ҳам руҳлантиради.

Ўтган йилда корхона қошида тайёр маҳсулотлар кўргазмасининг доимий фаолият кўрсата бошлаган буюртмачилар сонининг ортишида, шартномаларнинг кўпайишида муҳим омил бўлди. Кўргазмага чеварлар томонидан тикилаётган барча маҳсулот нусхалари қўйилган, аввало ҳар бир буюртмачи унинг сифати билан танишиб, ўзига ёққанлини танилади. Бу борада кўргазманинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Корхона ҳақида гап борар экан, унинг муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшаётган чеварлар ҳақида тўхталиб ўтиш, албатта лозим. Дилбор Ҳужаева, Тамара Бобоева, Тамара Махмудова сингари чех бошқилари, Фотима Мирхидова, Минжон Зверова, Маъсуда Мусаева каби тивувчилар ўз меҳнатлари билан обрў-эътибор топаётганлар сафиди.

Корхонада шоғирдлар етиштиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Бош муҳандис Гулнора Фуломованинг таъкидлашича, жамоа сафини қайратли, билимли ёшлар билан тўлдириш муҳим аҳа-

Сержан Любич  
олган суратлар.

## Ҳикоят

## ПОК ВИЖДОНЛИ ҚИЗ

Қадимда араб халифаси Умар кечаси қўчаларни айлашиб юрарди. У бир уйнинг олдидан ўтarkan, қандайдир хотиннинг ҳовлида қизи билан жанжаллашиб сўзлаган товушларни эшитиб қолди ва уй эшиги ёнида туриб уларнинг сўзларига қулоқ тутди.

Хотин қизига аччиқлиниб: — Мен билан олишмай, айтганини қилсангчи, эртага сотиладиган сутимизга бироз сув қўшгин, — деди.

Қиз эса:

— Она, ахир халифа Умар барча сутчиларга сутга сув қўшиб сотмаслик ҳақида буйруқ бергани эсингиздан чиқими? — деб жавоб берди.

— Э, сенга нима, сув қўш деганимдан кейин қўшаверди. Бизнинг сув қўшганимизни халифа Умар қаердан ҳам билсин, — яна тоққиди она.

— Онажон, у киши бу ишмизни кўрмасалар ҳам виж-

донимиз кўриб турибди-ку, ҳеч бўлмаса виждон амрига итоат этайлик, мен виждонсизлик қила олайман, — қиз йилламосираб онасининг буйруғини рад этиб тураверди.

Уларнинг ҳамма гапларини эшитган халифа қизнинг гапларидан жуда ҳам завқланди ва шу номусли, виждонли қизни ўзига келин қилишни ният қилди. Саройга қайтган, бир неча кун ўтиб қизни ўғлига никоҳ қилиб олиб берди ва пок виждонли келинга эга бўлди.

## Назм

## УМИД БИЗДАН

Бизлар ҳушёр бўлмоғимиз шарт,  
Ҳақиқатни кўрмоғимиз шарт.  
Урмимиз бир пайкон мисоли,  
Нақд нишонга урмоғимиз шарт.

Мендан меҳринг қизганма, тенгдош,  
Ўзбек саҳий, юртга берар ош.  
Барчамиздан қолар бу дунё  
Олтинми у, ё оддий бир тош.

Номард мардага тузоқ қўрмасдан,  
Умид қуши завоқ кўрмасдан,  
Нафсимиздан кечмоғимиз шарт,  
Танери биздан юзин бурмасдан.

Чақмоқ бўлиб чақмоғимиз шарт,  
Юракларни ёқмоғимиз шарт.  
Орол каби ташна дилларга,  
Дарё бўлиб оқмоғимиз шарт.

Умид биздан эй, янги авлод,  
Умид сиздан эй, янги авлод.

Азиза ТУРСУНОВА,  
Шайхонтохур туманидаги 84-мактаб ўқувчиси.

## Бека

## МАСЛАХАТЛАР

■ Кийимнинг қора бўёқ теккан жойини иссоқ сутда ушлаб турилса доғ кетади. Қизил бўёқдан қолган доғни кетказиш учун эса уша жойга хантал суртиб, бир кун сақланади. Сўнгра сувда ювиб ташласангиз, доғдан асар ҳам қолмайди.

■ Оқ ип ёки эгир толасидан тўқилган буюмдаги дазмол доғи водород пероксид эритмаси билан (1 чой қошиғи — 1-2 стакан сувда), бўялган жун ва ипак газламалардаги доғларни эса денатурланган спирт билан артиб кетказиш мумкин.

■ Агар болаларингизнинг кийимида шоколад доғи қолган бўлса, уни кетказиш учун тузали сувда ювиш лозим бўлади.

■ Мўйнадаги мой ва тер доғларини новшадил спирти ва туз қоршисидеда йўқотиш мумкин. Бунинг учун 1 чой қошиқ новшадил спирти, 3 чой қошиқ ош тузи, 0,5 литр сув зарур бўлади.

Саҳифани Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади.



**Мамлакатимизда байрамлар жуда кўп. Лекин истисколар тўғрисида эътибор қилиш керак. Бизнинг қўлашимизда яна қайта тугилди. Мана тўққиз йилдирки, у борган сари халқимизнинг қалбидан чуқурроқ жой олиб, умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда.**

Кишиларимиз қалбида меҳр-оқибат, дўстлик, биродарлик, инноклик ришталари мустаҳкамланмоқда. Соғинча кутганимиз баҳор, Наврўзи олам бу йил юртимизга ўзгача файзу тароват билан кириб келмоқда. Уйғониш, покланиш, яшариш, кўнгилларнинг осмон қадар юксалиши, йил бошимиз бўлиши ушбу айёмни халқимиз хушнудлик билан, қалблар соғинча тўлиб, интизор кутмоқда.

Миллий тарихимиз, муқаддас аъналаримиз, қадриятларимиз, урф-одат ва удулларимиз тикланиб, халқимизнинг энг азалий, қадим байрами — Наврўзга етишганимиз тўғрисида Аллоҳга беадад шукроналар айтишимиз жоиз. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, шаҳарнинг майдону боғларида, кишлоқ ва овулларда, далаю даштларда, ҳамма-ҳамма жойда чексиз ҳаяжон, қувонч интиқлик билан Наврўз тараддуди қўриломоқда.

Наврўзи олам, гўзал ва фусункор баҳор фаслининг кириб келиши билан меҳнат баҳори бошланади, обо-

дончилик, экин-тикин ишлари авж олади. Эски гина-қудратлар унутилиб, дўстлар бир-бирлари билан дидорлашиб, узоқ-яқин қариндошу қўни-қўшнилар йўқланади, бемор ва қариялар, хаста кўнгиллар ҳолидан хабар олиб, кўнгиллари шод қилинади. Совға-саломлар улашिलाди.

Наврўз тантаналари шоиру бахшилар,

Бу шодиёна байрам куй-қўшиқсиз, жозибали рақсларсиз, лапару айтишулар, дорбозлар, қўшиқчиларсиз ўтмайди, албатта. Айниқса, шоирларнинг фазалхонлиги, мушоира кечалари дилларга илҳом ва завқ бағишлайди.

Кўзи ўйқу юрти тарқатиб бунда, Момолар сумалак сайгани бошлар.

Чечаклар ортиси етилиб

Дала, боғи гулга тўлдириб ташлар.

Саодатли, саховатли айём

— Наврўз баҳона бор ғаму

ташвишлар унутилиб, табиат

нинг бетақдор гўзал

гўшаларига ошқамиз. Фасллар

келинчаги бўлиши

Баҳорнинг ўлкамиз узра

ёйган сепи кишини ўзига мафтун

этиб, баҳорий ҳис-туйғуларга чулғайди, эзулик сари етаклайди.

Илоҳим Аллоҳ назари тушган

бахтиёр элимизга, шодон

ликларга тўлиқ байрамларимизга кўз

тегмасин, юртимизда, ҳар бир хона

донда Наврўз шодиёналари янграсин.

Наврўзнинг саховатли, саодатли қуна

лари ҳар бир оилада файзиёб бўлсин.

Мана Наврўз тантаналарига ҳам

санокли қўнақ қолди. Гўзал Баҳор,

Наврўз эшик қўқмоқда. Келинг,

дўстлар, қадимий ва миллий байрамимиз

Наврўзга пешвоз чиқайлик.

Ёлғизлиқ сийматин чексиз борлиққа

Хайрат улашайди қўқма қамал.

Она юрт гул ҳисни нақ боғи эрам

Майнинг қўнақ тилим дилдаги қалам.

Дилором ИКРОМОВА.

## НАВРЎЗГА ИНТИҚ ҚАЛБЛАР

Ҳар тунунг қадр ўлубон,  
Ҳар кунунг ўласун Наврўз!

Алишер НАВОЙИ.

санъаткору қўшиқчилар қалбида тугён

уриб дилдан тилга кўчмоқда.

Янрок очди дарахларнинг куртаги.

Салом Наврўз, гўлбаҳорнинг эртаги.

Омонлик деб онам бошлар дуони

Қўлағида Баҳорнинг чечаги.

Ҳа, кайвони онахонларимиз, буювжон

ларимиз катта дошқонларни тайёрлаб,

Наврўзимизнинг бебаҳо неъматини сумала

лару ҳалимлар, ҳар хил баҳорий

қўнақлардан тансиқ, халқона таомлар —

қўқ сомсалар, чўчваралар, патир, ҳалим,

гўзалар пиширишга ошқимқоқлар. Ал

ломиндек алл чавандозлар тугёндан ўт

чақнаган аргумоқларини эртанги кўпқарига

шайламоқдалар.



Тадбирлар

## СОҒЛОМ МУҲИТ — СОҒЛОМ АВЛОД

Юртимизда ташаббус билан 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб аталган муносабати билан пойтахтимизда туманларда тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан Чилонзор туманидаги 126-мактабда «Бўстон» маҳалла қўмитаси томонидан ўтказилган тадбир ҳам «Соғлом муҳит — соғлом авлод» деб номланди.

Соғлом авлод йилига бағишланган бу адабий-бадиий кечага туман ҳокимлигидан, шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда туман халқ таълими бўлимида, хотин-қизлар қўмиталаридан, Бўстон, Ал-Хоразмий, Гулистон, «Шарқ» маҳаллаларидан фаоллар, ота-оналар, ўқувчи ва ўқитувчилар тақдир этилди.

Тадбирда туман ҳокими-нинг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Соҳиқова «Соғлом муҳит — соғлом авлод», Тошкент Давлат юридик институти доценти, кафедра мудири Зумрад Иноғомжонова «Оила ва ҳуқуқий маданият», маросимшунос олимпиа, доцент Саодат Йўлдошева «Соғлом авлоднинг маънавий камол топишида миллий урф-одатларнинг ўрни», туман «Экoсан» жамғармаси раиси Баҳром Эшқувватов «Ёшлар ўртасида экологик маданиятни шакллантириш тўғрисида», 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти акушерлик-гинекология кафедраси доценти Насиба Баҳодирова «Аёл саломатлиги соғлом авлод кафолати», туман «Соғлом авлод учун» жамғармаси раиси Лола Қўқорова «Бошлар — бизнинг келажакимиз» каби мавзуларда маъруза қилди.

Анжуман низоҳатида мактаб маъмурияти тавсиясига биноан 10 та энг билимли ва зукко ўқувчиларга маҳалла стипендияси топширилди. Маҳалладаги ёрдамга муҳтож ногиронларга совға-саломлар улашилди.

Туманда жойлашган «Фон» илмий-ишлаб чиқариш биразамаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси вакиллари маҳалла, мактаб билан ҳамма бирга эканликларини, бундай хайрли ишлар бундан кейин ҳам давом этишини, ҳомийлик қилишдан чарчамасликларини изҳор этдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА. СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.



## Ўзбек адаблари - «Оқшом» учун Иброҳим РАҲИМ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси «МАҲАЛЛА БОЛАСИ» ҲИКОЯ

ерга тўшалган гиламга ўтириб, нон, чой ичдик, кетидан икки кишига бир лагандан палов ош келди. Умрида палов кўрмаганман. Шеригимга қараб мен ҳам ошай-вердим. Уйга қайтиб келиб момони кўчиди, юзларидан чўплатиб ўлдим. Қўрсон хайити қўнақлар экан. Эртасига ҳам шундай бўлди, индинига ҳам.

Мазаҳхўр бўлиб қолдим-да, ҳар кўни кўчага қараб тураман, ун-тўрт одам тўпланиб ўтса кетидан эргашиб борарман. Тошкентликларнинг одати шунақа экан, кўчадан кирган кимсани нари тур, деймай, аксинча олдида нон-чой қўйсан, ош тортар экан. Кейин-кейин масжид олдида бориб турадиган бўлидим. Намоздан кейин гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, ҳар ёққа меҳмонга борадилар. Мен ҳам бирор гуруҳнинг кетига йлашиб кетарман. Баъзан тўй, гоҳида маърака, ишқилиб бориб тўкин дастурхон устидан чиқамиз. Баъзан уйга бир-иккита нон ҳам қўйиб қайтаман.

Маҳалла одамлари менинг кимлигини билмасалар ҳам, қайси дарвозадан чиқишимни кўрадилар. Болалар ҳам мендан ётирамай қўйдилар. Шундай қилиб «Маҳалла боласи» бўлиб қолдим. Қўни-қўшни болалар эса ранг-гимга қараб ўзларича менга «Маллабой» деб ном қўйиб бердилар. Мен ҳам бу номга қўниқиб кетдим...

Меҳмоннинг ҳикоясини мириқиб тинглаётган кичик неварам қизиксиниб унга савол ташлади: — Кейин кетиб қолдингизми? Қайқа? Нега, а, амаки? — Кетиб қолганим йўқ, — деди Василий Васильевич, — уруш тугади-да, дадам топиб қолди. Дадам офицер экан, мени қидириб Тошкентга хат юборибди. Милиция идораси суриштириб юриб мени уйдан олиб кетди-да, «Москвда даданг кутиб олади» деб самолётга тушириб юборди.

Ушандан бери ҳаётимда не-не воқеалар бўлиб ўтмади. Дадам ҳам ўлди. Онамнинг ҳабрини ҳануз тополгани йўқ. Эзим эса бола-чақали бўлидим. Манави ўлгонлардек невараларим ҳам бор. Уларни тутунган момоси билан таништириб бор эди, олиб келганимга афсусланишарман. Тошкент ўзгариб кетди. Оврулда ҳам бунча шаҳар йўқ. Самолётдан тушиб кўзим қамашди. Таскинга миниб «Эски шаҳарга хайдаг» десам, шофер менга олмай боқди: «Қанақа Эски шаҳар?». Эсимда қолган жойларни санаётганим: Хадра, Эски Жува... Жанггоҳ... Сағбон... Шофер танти йигит экан машинасини олмай ўтириб кетяпти, мен эса бутунлай бошқа сайёрга келиб қолгандай қўларим аланг-жалаг. Кенг, катта қўчалар, баланд-баланд қўшона иморатлар! Туш кўраётганга ўхшагман. Шофер эса, экскурсоводлардай йўл-йўлакка гапириб бормоқда. Мана Эски шаҳар... Мана Хадра... Мана Эски Жува... Мана Жанггоҳ... Мана сизга Сағбон...

Тушмиш, ўнгимиш, ҳар бир даҳа гўё бир шаҳардай. Тамонилар ўзгариб кетди-ку! Шунча ишга қачон улгурдилар? — деб сўрасам, «Мустақиллик неъматини бу», — деди шофер. — Оқол ва обод Ватан қўраётганимизга саккиз йилдан ошди...

«Тасанно!» дедим ёқамни ушлаб. Василий Васильевич яна нималаридир гапириб бермоқчи эди, болалар циркка кечикётганини эслатиб, қўлимдан торққилаб қўймадилар. Меҳмон билан хайрлашмоқчи эдим у иттиқо килди: — Маҳалла идораси бордир, бўлса мени ўша даргоҳга кузатиб қўйсангиз. Маҳаллага ҳам совға-саломим бор. Ўзбекларнинг «Бир марта туз ичган жойингга минг марта салом бор» деган мақоли ёлдамда. Аммо мен бир марта ҳам салом бера олганим йўқ.

Меҳмоннинг оғирдан оғир чамадонларини аранг қўтаришиб маҳалла оқсоқоли идорасига бордик. Байрам бўлса ҳам идора очик экан. «Маҳалла боласи»ни кутиб олинглар, дедим-да, меҳмонни ичкарига киритиб юбордим. Аллақанда вақтгача бу воқеани ўнотмоқчи юрдим. Яхшиликни ҳам билган билди. Аслида яхшиликка нима етсин!

2000 йил, январь

## Шарқ гурдоналари

## ОЗ-ОЗ ЎЎТГАНДО ДОМО БУЛАР...

● Яхши хислат жаҳонда олий мансаб ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

### ШЕЪР:

Илм саодатга йўловчи мангил,  
Жоҳиллик ўлимга бошлар ҳар маҳал.

### ҚИТЪА:

Билим кишиларни улғувор қилар,  
Одамдан кетмайди то ўлмагунча,  
Олтин қумуш билан келма зинҳор,  
Бу иззат олтин қумуш тургунча.

● **ҲИҚМАТ.** Кўрлик нодонликдан яхшироқдир. Чунки кўрлик ўз эгасини чоғга қўлатса ҳам бирор аъзосинингиз на синдиради. Нодонлик эса ўз соҳибини ҳалокатга маҳкум этади.

### БАЙТ:

Нодоннинг кўзи бор, кўрмайди, аммо.  
Кўрлар бор, кўрмайди, лекин, кўп доно.

● Илм асосига қўрилмаган улғуликнинг охири хор-ликдир.  
● Сўқрот ҳаким деди: «Олам адолат билан пойдор, жабр ва зулм билан хору зордир!»  
● Бузургмехрдан сўрадилар: «Дунёда инсон учун топилмайдиган нарсаси нима?» У: «Ақл!» деб жавоб берди. Яна сўрадилар: «Ақлнинг қадри нима?» жавоб берди: «Инсонда ақл бўлмаса, уни ҳеч ким қадрлармиди?»

### БАЙТ:

Билим дарёсининг гавҳари — ақл,  
Оз бўлса ҳам ундан кўп фойда етар.

● Ҳар ким зулм ва жафо шамширини тортса, унга қарши ғазаб ва фитна ханжарини тортадилар.

Эл ҳақида гофил бўлмагин асло,  
Чунки, эл қўлида ўтирган ўзинг.  
Сендан эл нимани кўрса, бир кун,  
Қайтариб кўради ўшани қўзинг.

● Ҳар кимнинг нафси ақлига хизмат қилса, у кишига бахт ва давлат юзланади. Ҳар кимнинг ақли нафсига хизмат қилса, иқбол у кишидан оқ ўғиради.  
● Энг яхши хотин шундай хотинки, у ҳаёли ва ориятли бўлади. Энг муҳими оилада тўкин-сочинлик ва бараканинг сабабчиси бўлади.

### БАЙТ:

Бадомликдан узок бўлса ҳар хотин,  
Хуш бўлса ҳамки севиниш лойиқ...

● **ҲИҚМАТ.** Араб қабиласидан бўлган Ҳадя Аддий номли киши ўз хотинини жондан севарди, усиз ўз ҳаётини ҳаром деб биларди. У касалликка чалиниб, оғир заифлик юз берганини мушоҳада қилган, ўлим элчиси эса яқинлашиб келатганини билган, хотинига деди: «Мен ҳаётдан умидимни уздим. Ҳаёт офтобим ботиб бормоқда. Бир орзудан бошқа кўнгилда ҳеч қандай орзу йўқдир. У ҳам бўлса, мен ўлгач, сен нима қилмоқчисан, шуни билишдир».

### БАЙТ:

Саволим жавобга арзиса азар,  
Гапир то томоқдан чиқсан бу жоним.

Хотин эрининг қандай севинишин биларди. У фикр билан эрининг мақсадини англади ва эрга чиқиш-чиқмаслигини билмоқчи бўлаётганини сездди. Ўша онда пичоқ олиб, ўз бурнини кесиб ташлади.

### БАЙТ:

Севган ёри азар қулоқ соласа,  
Улик ҳисобларлар ҳар тирек киши.  
Тирек деб саналур вафо йўлида,  
Кимни ҳалок қилса ўлимнинг ниши.

● Ҳар ким ўз қариндош-уруғларидан яхшичилигини аяса, ундай одамдан яхшилик кўтиб бўлмайди.  
● Бир киши олдинда келиб, биринчи ёмонласа, ёмонловчини росттўй деб фахллама. Балки уни бу фёвдан қайтар. Ўзинг ҳам бундай сўз ва фёвдан ҳазар қил.

### БАЙТ:

Биронинг айбини гапириб киши,  
Ўз айбини қўлади ошкор.  
Бирини ёмонлаб гапирса сенга,  
Сени ҳам ёмонлаб гапирмоғи бор.

● **ҲИҚМАТ.** Бир киши Мусъаб бин Зобир олдида келиб, Аҳнаф ҳақида кўрқинчи, уйдирма гапларни гапирди. Мусъаб Аҳнафни чақиртириб келди ва унга хитоб қилиб, воқеани айтди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлгончилигини айтиб, ўзини оқлаган киришди. Мусъаб деди: «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишонгча лойиқдир». Аҳнаф унга, «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда гийбатчининг сўзига қулоқ солмаган ва уни ҳайдаб чиқарган бўлардинг!».

— **«Нигористон»дан.**

● Келтиришларча, Кисронинг бир ўли бор эди. У жуда кўп овқат ер ва ҳамма хаста ва бемор эди. Ҳеч ким унинг касаллик сабабини билмас эди. Бир табибни келтирдилар. У нуроний сифатли, яхши сўратли, соф мизоҳ ва сер илож эди. Унинг нафасидан ранжур кишилар осойиш, қадамидан мажруҳ кишилар ороиш топарди. Йигитнинг томирига қўл қўйиб, кўп ейиш тўғрисида ҳазм бўлмасдан ҳиқчоқ ва кекириш касалига мубтало бўлганини билди ва уни даволади. Кисро: «Унга нима бердинг?» деб сўради. «Очлик!» жавоб берди табиб.

● Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳақимларининг умри узоқ, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам емоқларидир. Улардан бири бодом мағзидан катта овқат емас ва бу ҳолни уч кунсиз такрорламас эди.

● Яхши ёки умун улфат аттор билан гулхан қабиридир. Агар аттор билан ўтирсанг сенга мушк беради ёки либосингни хушбўй қилади. Агар ўтга яқин ўтирсанг, ё либосингни қуйдиради, ё тутун билан бадбўй қилади.

● Сафар — серхатардир. Аммо, ёмон киши улфат бўлса, яна ҳам хатарлироқдир.

Маждиддин ХАВОФИЙ.

Форс, араб тилларидан  
Махмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Бу кўрунмаларнинг ҳақиқий кўрали 45 ёшлардан кейин бўлади. Бир-бирларидан санимий, продан фарзандлари Сайфулла, Раъно, Гузала, Лола, Забихулла, Шукураллар олдими-кейин бўлади кўрилиб, етилиб, нил олиб элга нафари тасоддан давраларда яхши умидлар билан яшайдилар.

Хайрулла ота ва Сарвиҳон аялар болаларининг камолотга етганларидан мамнун бўлсалар, иккинчи томондан уларни оилали ва уйли-жойли қилишга ошқардилар. Гоҳи бу нуронийлар ўтмиш хотираларини эслашдан завқланардилар ҳам.

Нуронийларнинг юзларидида ажинларда қувноқлик ва бардамлик шундайгина сезилиб турибди. Донишманд киёфасидаги Хайрулла ота Ҳикматовнинг Сарвиҳон ая билан турмуш қургани ва ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига 50 йил тўлибди. Низомий номидаги педагогика институтининг химия факультетини тугаллаган йигит Ҳоразм вилояти, Хива туманидаги мактабда ишлашга йўланма олди. Оилали бўлгач, Тошкент шаҳрида Шайхонтохур тумани 54-ва 224-мактабда меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Ярим аср ўқитувчилик касбида сабр-қаноатли

## Нуронийларимиз

# КЕКСАЛИК ГАШТИ

Кексага кўмак бер - сунган тоғинг, Бун тушунарсан қариган чоғинг.

Носир ХИСРАВ.



бўлиш, ижодий изланиш, машаққатларни энгиш Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Х. Ҳикматовни шодликларга буркади, орзу-умидларига етаклади. Касб етулиги истедод эгаси бўлишга омад калитини тутқазди, кўлаб шогирдлари Ўрта Осиё республикалари халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида халққа танилди.

Жумладан, шоир Эркин Самандаров, тиббиёт фанлари доктори Шавкат Шокиров ва Баҳодир Тўшбеков, республикамизнинг таниқли шифокорлари Эъмири Абдуллина, Эргаш Орипов, Уткир Шокировлар гайрат соҳиб бўлишида домланинг панднасихатлари асқотди. Аёлларга хос назокат,

хурмат, меҳрибонлик, оилада ишбилармонлик эркакларга ҳамиша қанот бағишлаб келиши Ўзбек миллий урф-одатларимизнинг гултожидир. Сарвиҳон ая умрининг 50 йилини ёстидоши Хайрулла отанинг паноҳида ўтказди. Оиладаги нуқсонларни кўчага чиқармади, пиру бадавлат бўлиб Қорақамш даҳасига танилди. Чеварлик хунарини ардоқлаб келинлар зийнати гулли чойшаб, дорпеч, палакларни тикишда ёш хотин-қизларга устозлик қилди, дилбар аёлнинг касб маҳоратидан кўпчилик баҳраманд бўлди.

Кексалик гаштини суриш ҳар бир инсоннинг эзгу орузидир. Дастурхон атрофида шукроналик билан яқинларининг ва фарзандларининг дуои жонини қилишга нима етсин! Ана шулар ҳақида ўйларканман 30 га яқин невараварларнинг дуогўйлари Хайрулла ота ва Сарвиҳон ая Ҳикматовлар ўзларининг камтарлиги, инсонийлиги, йимони поклиги билан янада куч-қувватга тўлиб бормоқдалар, қариллик гаштини сурмоқдалар.

Фаттоҳ АБДУРАХИМОВ. СУРАТЛАР: Хайрулла ота ва Сарвиҳон ая Ҳикматовлар эваралари Аббос билан. Равиль Махмудов олган сурат.

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойил бўлганларни аниқлаш ҳамда улар билан белгиланган тартибда қандай тарбиявий ишлар олиб боришда?

Бу ҳақда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси қонинда Профбандлик ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи Зухриддин Бобоевнинг билан суҳбатлашдик.

# БОЛАЛИК - БЕБОШЛИК ЭМАС

— Зухриддин ака, вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, бу борада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳуқуқсизда газет-хонлар билан фикрлашсангиз.

— Аввало, шуни алоҳида қайд қилиб ўтишим керакки, вояга етмаган ҳуқуқбузарликка мойил тарбияси оғир болалар билан ишлаш, уларни тўғри йўлга солиш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг иши эмас. Бу, авваламбор ота-онанинг, улар таълим олаётган мактаб жамоасининг, жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иши деб биламан. Улар ҳал қилолмаган масалалар билан эса ички ишлар ҳодимлари шуғулланиши керак. Бу борада пойтахтимизда муҳим ишлар олиб бориляпти. Тарбияси оғир болалар ва уларнинг ота-оналари билан самарали иш олиб бораётган қатор маҳаллаларни ва мактаб жамоаларини ва бу ишга бош қўшган ўнлаб фидойи инсонларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, жойларда бу масала билан туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари шуғулланмоқда. Ўз ечимини кутаётган муаммолар шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги комиссияда қўриб чиқилмоқда. Шаҳар комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида баалоғат ёшга етмаганлар орасида гивандлик, токсикомания ҳамда мактабга ўқишга бормайётган болалар тарбияси ва ушбу зарарли иллатларнинг олдини олиш масаласи қўрилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ўтган 1999 йилда вояга етмаганлар томонидан бир неча жиноят содир этилди. Бу камми ёки кўпми? Шунинг учун ҳам бу турдаги ҳуқуқбузарликлар олдини олиш барчамизнинг ишимиз бўлиши керак.

— Болалар содир этган ҳуқуқбузарликлар асосан нимага асосланган?

— Улар содир этган ҳуқуқбузарликлар орасида энгил жиноятлар билан бир қаторда ўғирлик ҳам, гивандлик, токсикомания ҳамда бошқа турдаги қонунбузарликлар бор. Шунингдек, вояга етмаган болаларнинг эҳтиёсизлиги туфайли ёнгиналар қиқиши қўли ҳам учраб туради. Яқинда майда ўғирлик билан қўлга тушган 14 ёшли Ж. исмли бола билан гаплашдик. Кўринишдан, гап-сўзларидан тупта-тузук бола. Ота-онанинг олдида бордик. Қаранг, болани ушлаганимизга икки кун бўлибдики, на отанинг, на онанинг хабари бор. Ҳатто ўғлини суриштиришга ҳаракат ҳам қилмаган. Ўқишга борапти, йўқми билмайди. Ташрифимиз сабабини аниқлаш дарров «Ҳа, энди болалик - бебошликда. Шунга ота, эри, қозихонами?» дейишди. Ана сизга масаланинг туб моҳияти.

Урни келганда шуни ҳам айтиб ўтишим керакки, айни пайтда мактабга бормай қўйган ўқувчиларни мактабдаги ўқишга жалб этиш тўғрисида Халқ таълими бош бошқармаси би-

лан ҳамкорликда иш олиб бораёмиз. Болаларимизни ақли, доно ва билимли қилиш — бизнинг олдимида турган бош вазифалардан биридир.

— Соғлом авлод йили муносабати билан тузилмада қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?

— Соғлом авлод йили деб эълон қилинган бу йилда асосий эътиборни вояга етмаган қонунбузарлар билан ишлашни олди-

мизга бош вазифалардан бири қилиб қўйганми. Кун кеча Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаев «Вояга етмаганларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар» дастурини тасдиқлади.

Ушбу дастурга мувофиқ ривожланган давлатлар таърибидан келиб чиққан ҳолда махсус «Мактаб милицияси»ни ташкил этиш ҳақида Ички ишлар вазирлигига тақлиф кiritилиш, ўқшдан ва ишдан бўйин товлаб юрган ўқувчилар билан ишлаш, ички ишлар органлари билан маҳаллалар ва умумтаълим мактаблари орасида алоқаларни янада мустаҳкамлаш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида мактабларда ва бошқа ўқув юртиларида махсус дарслар ўтиш каби қатор долзарб тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

— «Мактаб милицияси» ҳақида гапирдингиз. У қандай кўринишга эга бўлади?

— Ҳозирча бун лойиҳа сифатида қўриб чиқилган. Ушбу тақлиф таъйинлашда ривожланган мамлакатлар таърибидан таъинланди. Жумладан, АҚШда маҳаллий полиция маҳкамасининг инспекторлари қонунларни бузишга мойил бўлган болалар ва уларнинг оилалари олдида ҳамда улар таълим олаётган ўқув масканларига бориб таъъиний-маърифий иш олиб борадилар. Жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлса, унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, бартафат этиш чораларини кўради. Албатта бу ишга ҳам лаёқат керак. Шундан келиб чиққан ҳолда бу таърибни Тошкент шаҳрида ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

— Аввалги йиллари вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимилаш муассасалари бўларди. Ҳозир бу иш билан қайси муассасалар шуғулланыпти?

— Айни кунларда вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимилаш вазифаси Тошкент шаҳрида, 21, 23, 24, 30 ва 104-Меҳрибонлик уйларида топишларин. Лекин кузатишлар шуни кўрсатаяптики, вояга етмаганлар билан ишлашга уларнинг кучи етмаяпти. Уларга доим ёрдам бериб келямиз. Шу кунларда туманларимиздаги ички ишлар бошқармаси қошидаги профилактика ва тарбия ишлари билан шуғулланидиган милиция ҳодимларидан педагогикага лаёқатлигини танаб, улар зиммасига ўз ҳудудидида вояга етмаган болалар орасида қонун ва ҳуқуқбузарликлар олдини олиш, тегишли маънавий-маърифий ишларни олиб бориш ишларини юклаш чораларини кўрмоқдамиз.

Эргаш ИСМАТУЛАЕВ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи масъул котиви.

## Ҳушёрликка даъват

# ДИН ВА ЁШЛАР МАВЗУИДА

Юнусовд туманидаги Ғайратий номи маҳаллада «Дин ва ёшлар» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда турли ёшдаги фуқаролар иштирок этди. Ўқиб-ёқиб нотиқни реакция оқинга қилиб қолган ва уларнинг келажакдаги тақдирини ҳуқуқ ҳолатларига олиб келиш ҳуқуқсизда маҳалла оқоқлари Ёрдамчи Зибеддин Илоҳов тўқнабди, жумладан шундай деди:

— Биз бу ерга маҳалламизнинг икки фуқаросини муҳомада қилиш учунгина эмас, балки нима қилсак одамлар турли оқимларга адашиб қилиб қолмайд, шулар ҳуқуқсизда ўйлашмиз лозим. Мана шу тушунчани кўпроқ ёшларга тушутирайлик. Адашганларни йўлидан қайтариб, тўғри йўлга солайлик. Бу фикрга жавобан 17-шаҳар касалхонасининг бош шифокори Бахтиёр Абдуллаев, маҳалла фуқароси Миробид Солихонлар ҳам ўз фикрларини баён этишди.

Тадбирда иштирок этган «Носирхожи» масжидининг имом хативи Хамид Ишматомов Ваҳодийлик ва «Диз-бут-тахрир» оқимларининг келиб чиқиш тарихи ҳақида сўз юритиб, ислом динини нотиқни тушутиришга ҳара-

кат қилаётган юртимиз душманларининг гапига қилиб, сўнг пушаймон бўлмаганлар, дея тўлганларга мурожаат этди.

Туман хотин-қизлар қўмитасининг вақилиси Ҳакима Муталова аёлларни лоқайд бўлмасликка, бир тану бир жон бўлиб Ватанимиз оёсий ишталарини сақлашга ундади.

Тадбирда иштирок этган фуқаролар ўзаро фикр алмашдилар. Бошқа тадбирларга нисбатан ўзгача руҳда ўтган бу йиғилишда мунозарали фикрлар кўп бўлгани учун жуда қизиқарли бўлди.

Муҳайё МИРСАИДОВА.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

«Тошшаҳарйўловчиратс» Давлат уюшмасининг яна қайтадан ташкил этилган «Транс-ТАСВИР» Давлат реклама агентлиги республика пойтахтидаги шаҳар транспортининг барча турлари (трамвай, троллейбус, автобус, метро, такси) учун рекламаларни ўрнатишга буюртмалар қабул қилади.

Бу масалалар қуйидаги манзила: Тошкент шаҳри, Темир Малик кўчаси, 3-«А» уйга, 3-трамвай-троллейбус («Красновосточное») депонининг маъмурий бизнесга мурожаат қилиш мумкин. Телефонлар: 60-14-06, 63-16-81.

● Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 165-мактаб томонидан 1982 йилда Вазир Хасановна Толяганова номига берилган № 979701 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

● Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 165-мактаб томонидан 1987 йилда Зулфия Усмонова Очилова номига берилган № 315508 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ақойиддин КАРИМОВ.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМ»

Сизнинг рекламаларингизни, ҳусусий эълонлар ва ҳусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъжияларни, таъвалуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида бритади. Эълонлар шанба ва акшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 204-ХОНА.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар Юнусовд туман бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси Ш. Мансурхўжаев номи маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар кенгаши маҳалла фаоли, 133-мактаб ўқитувчиси Абдуғани Абдуазимовга волида муҳтарамалари

БУНИСА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

## Бу ажиб дунё

### СЕҲРЛИ ТОВУШГА ЭГА

Чехиялик бир ишқибоз ниҳоятда ажибод мусиқа асбоби яратди. Дунёда ягона ҳисобланган бу скрипка етти минг донга гуғурт қўчидан тайёрланган. У ниҳоятда сеҳрли товушга эга.

### МИТТИ СКРИПКА

Прага шаҳридаги халқ музейида дунёда энг кичик скрипка қолғу асбоби сақланади. Унинг узунлиги бор-йўғи икки сантиметр.

Бу митти скрипкани чехия соҳ устаси Винтер Ярослав микроскоп орқали уч ойда ясаган.

### ОҒИРЛИГИ 600 КИЛОГРАММ

Франциялик Кристиан Урбита ва унинг шогирди заранг, қора қайин ва чинор дарахти ёғочидан дунёда энг катта скрипка ясаш учун минг соатдан ортиқроқ вақт сарфладилар. Бу улкан қолғу асбобининг узунлиги етти метр, 44 сантиметр, оғирлиги эса олти юз киллограмм.

### ҲАҚИҚИЙ ЖАРРОҲ

Ўз-ўзини операция қилган жарроҳни эшитганимиз-сиз? Антрактидада 1961 йилда ана шундай воқеа содир бўлган. Станция доктори Рогозовнинг биқини бирдан қаттиқ оғриб бошладди. Бахтга қарши у ерда унга ёрдам қўрсатадиган ҳеч қандай шифокор йўқ эди. Шу боис у ўзига ташхис қўйди ва операция столини тайёрлади. Стол рўпарасига ойна ўрнатиб, ўзининг жарроҳлик маҳоратини ишга солади ва уни муваффақиятли амалга оширди. Операция бир ярим соат давом этди.

### ГАЛАТИ

### ЗАРАРКУНАНДА

Икки йил муқаддам 17 ёшли арман қизи каттаси ўсимлиги устига йиқилиб тушиб, елкасига унинг тиканлари қилиб кетган эди. У ўша заҳоти нинчаларни сугуриб ташлаган-у, бунди дарҳол эсидан чиқариб юборган эди. Орадан бир неча ҳафта ўтган эса елкасидан қандайдир тиканчака ўхшаш дағал тук пайда бўлган. Қиз уни юлиб ташлаган. Бир ҳафтадан сўнг эса ўша жойда яна бир қанча шундай тиканчақалар ўсиб чиққан. У ҳақимларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ҳақимлар тиканчаларни сугуриб ташлашди-да, ярасига малҳам қўйиб қўйишди. Бирок бу билан жараён тўхтамади. Қайта-қайта қизнинг елкасидан тиканчақалар ўсиб чиқарди. Сўнгги марта ҳақимлар ундан 140 дон тиканакни сугуриб ташлашди. Охири қиз операцияга рози бўлди.

Ҳақимлар тазаланган тери қатламни тажрибахонада текшириб қўриб, бу тиканчаларнинг каттагача алоқаси болғинини айтишди. Маълум бўлишича, ўсимлик тўқималари қизнинг терисиданги тўқималар билан қаттишиб, зараркунандаларча ҳоёт кечирмоқчи бўлган, халос.

### БИЛАСИЗМИ?

● Капалаклар орасида ҳам эркаклар ўз севгилисига тез-тез хушбўй атирлар соғва қилиб туришаркан. Шарқдаги тунги мова капалаги худди шундай қилар экан. Америкалик ва япониялик олимларнинг фикрича, бу капалакларнинг эркакни эълан ясини ва долчини исмини эслатадиган хушбўй хид таратар экан. У қанотини севгилисининг олдида қўқиб, уни хурсанд қилар экан.

● Ит ёки мушук узоқ-узоқ юртлардан ҳам ўз уйини топиб келиши ҳаммага маълум. Чумоилар ҳақида ҳам шундай ўйлаш мумкинлиги Тунислик жануби-шарқий қисмида зоологлар гаройиб воқеанинг гувоҳи бўлишди. Улар чумоли бўлган ва юриши мушкул бўлган сунъий тўсиқлар ясаб, бир чумолини индидан 592 метр узоқликка элтиб ташлашди ва чумоли ҳаракатини кузатишди. Бунга қарангки, чумоли жуда қийин шароитда ҳам ўз уйини топиб келди. Яна бир чумоли эса 140 метр узоқликдан ўзиндан ўй баравар катта ўлжани инига олиб келган.

● Битта асалари бир ош қошиқ асални йиғиш учун тахминан тўрт мингта гулга қўниб чиқар экан.

Ақбар АЛИЕВ, Дилноза ҒИСОБА, Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, Бахриддин ТУРҒУНОВлар тайёрлашди.

## 2000 — Соғлом авлод йили

# ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Тақдир тақозоси билан бу шифохонага бориб, у ердаги тартиб, саранжом-саринишлик ва орасталикни кўриб, хайрон бўлиб қолдик. Очиги, дастлаб янгилиб, бошқа бир масканга кириб қолдик шеклида деган фикр ўтди ҳайлидан. Орқага қайтиб дарвоза йўлидаги наъбатчиликда турган хизматчида сўрасам: «Йўқ, янгиликнингиз, сиз сўраган 2-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси шир-деб жавоб берди.



Бир вақтлар Таштағулдаги мана шу тоифадаги беморларга мўлжалланган касалхонада ҳам бўлишига тўғри келганди. Ушанда бу ердаги тартибсизликни кўриб қўнғим ранжиганида ёнимдаги ҳамроҳим: «Юқумли касалликлар шифохонаси бўлгандан кейин шунча бўлади-да» деб менга таништиради.

3-каватта кўтарилдик. Озода йўлаклардан юриб беморлар дам оладиган кенг саҳли доира шаклида ишланган хонага чиқдик. Юмшоқ ўриндиқлар, дараза ойналарига эса чиройли дарпардалар тортилган. Теварак-атроф яшиллик билан безанган. Бу ерда она ва болалар байамлихотир дам олиб ўтиришди. Рўпарада рангли телевизор.

Бўлим бошлиғи Равшан Ҳамидов ва шифокор Гузала Мўминовалар эрталабки кўрик билан хоналарни айланиб юришган экан. Тиббий ҳамширалар Гулшода Шаметова, Ирода Нодирова, Юлдуз Ғоиевалар улар билан бирга. Кўриқдан ўтаётган беморга шифокорлар тавсиясига кўра дори-дармон муолажаларини пешма-пеш ёзиб боришди.

13-хонага кирдик. Икки ўриндиқли хонада иккита аёл ёш болалари билан бирга экан. Улар билан танишдик. Махмуд КОМИЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: шифокорлар Равшан Ҳамидов ва Каримжон Рихсиев беморнинг касаллик тарихи арақасини кўздан кечиришмоқда; шифокор Гузала Мўминова бемор бола онасига керакли маслаҳатларни бермоқда. Сергей Любич олган суратлар.

чинакам мутахассислари. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки уларнинг баркамол қилаётган ҳукуматимизга раҳмат, — дейди у ўз дил эҳзорини билдириб. — Ахир шундай ҳамма томондан қулай, барча замонавий асбоб-ускуналар, техникалар билан қуролланган шифохона қуришининг ўзи бўладими. Бу ердаги шифокорлар, тиббий хизматчиларнинг ҳушмуомалалигини айтмайсизми. Ширин сўзлари билан беморлар дардига малҳам бўлишди. Бу ерда озодалик, тартиб-интизом ҳам жуда яхши йўлга қўйилган экан.

— Шифохонага келганимизга бир ҳафта бўлди, — дейди унинг сўзини бўлиб ҳамхонаси Лутфиниса она. — Икки ёшли ўғлим Фаррухон анча оғир ҳолда бу ерга келтирилди. Бепарволик қилиб касаллини ўтказиб юборибмиз шекли, болагинам шифокорлар — Гузалахон ва Равшанжонларнинг ёрдамларида ҳозир анча тузук бўлиб қолди. Аҳоли кундан кунга яхшиланиб борапти.

Бундай дил сўзларини жуда кўпалаб оналар баён этишди. Биз эса уларнинг истакларини умумлаштира туриб: «Қўлингиз дард кўрмасин шифокорлар. Бемор болақонларимиз бахтига ҳаммиса бор бўлинг», деган тилак билан шифохонани тарк этдик.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ. СУРАТЛАРДА: шифокорлар Равшан Ҳамидов ва Каримжон Рихсиев беморнинг касаллик тарихи арақасини кўздан кечиришмоқда; шифокор Гузала Мўминова бемор бола онасига керакли маслаҳатларни бермоқда. Сергей Любич олган суратлар.

Бош муҳаррир Акмал АҚРМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Намр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қозғоқ бичими А-2

Нашрият отқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиш мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.